



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI**

**BUYRUQ**

“11” ноябрь 2020 yil

№ 218-ИЧ

Toshkent shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги  
12/1-2240-сон топшириғи ижросини  
таъминлаш, Вазирлик тизимдаги  
жамғармалардан ҳудудий бўлинмаларга  
ажратилган маблағларнинг мақсадли  
сарфланишини текшириш тизимини  
такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза  
қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш  
тартибини белгилаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги 12/1-2240-сон топшириғи ижросини таъминлаш, “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси”, “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси” ва “Жамоат ишлари жамғармаси”дан ҳудудий бўлинмаларга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат олиб бориш тартибини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишнинг назорат қилинишини таъминлаш, соҳадаги аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш, вазирлик ва унинг қуйи органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш тартибини белгилаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш чоралари самарадорлигини ошириш юзасидан 2020 йил 10 октябрдаги 02-2868-сон топшириғи маълумот ва сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.

2. “Комплаенс назорат” шўъбаси (А.Абдукаримов), Юридик бўлим (М.Азизова), Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов):

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 10 октябрдаги 02-2868-сон топшириғида белгиланган вазифа ҳамда чора-

тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажариш юзасидан зарур чоралар кўрилишини;

**2020 йил 1 декабрга қадар** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан илғор хорижий тажрибани пухта ўрганган ҳолда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган фуқароларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлаш, шу жумладан унинг сир сақланиши юзасидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқилишида иштирок этилишини;

**2021 йил 1 февралга қадар** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат хизматчилари учун чекловларнинг аниқ рўйхатини белгилашни назарда тутувчи **Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этилишини таъминласин.

3. Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бошқармаси (А.Навотний), Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов), **Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини** халқаро экспертлар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш ишларини қисқа муддатларда якунлаш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритишда яқиндан кўмаклашсин.

4. Вазирлик тизимдаги жамғармалардан ҳудудий бўлинмаларга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат олиб бориш тартибини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишнинг назорат қилинишини таъминлаш, соҳадаги аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш, вазирлик ва унинг қуйи органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш тартибини белгилаш мақсадида:


Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимдаги “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси”, “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси” ва “Жамоат ишлари жамғармаси”дан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Н.Хусанов



**Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2020 йил “11” ноябрдаги  
218-У2-сон буйруғига  
1-илова**

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимдаги “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси”, “Хорижда меҳнат  
фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг  
ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси” ва “Жамоат ишлари  
жамғармаси”дан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан  
ички молиявий назорат олиб бориш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

**1.1.** Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси”, “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси” ва “Жамоат ишлари жамғармаси”дан (кейинги ўринларда “Жамғармалар” деб юритилади) ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат олиб бориш тартибини белгилайди.

**1.2.** Жамғармалар томонидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат Молиявий назорат бўлими ва унинг ҳудудий молиявий назорат шўъбалари томонидан (кейинги ўринларда “молиявий назорат тизими” деб юритилади) текшириш (ўрганиш), мониторинг қилиш ва назорат тартибида текшириш (кейинги ўринларда “назорат тадбирлари” деб юритилади) йўли билан олиб борилади.

**1.3.** Молиявий назорат тизимининг мансабдор шахслари, назорат тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш, уларнинг натижаларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва чора-тадбирларни белгилашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг буйруқлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилишга мажбурдир.

**1.4.** Назорат тадбирларини ўтказишда, Молиявий назорат тизими ходимлари сони молиявий назоратнинг ўз мақсадларига эришиши ва белгиланган вазифалар самарали бажарилиши учун етарли бўлиши керак, бунда яқка тартибда текширувлар ўтказиш таъқиқланади.

**1.5.** Назорат тадбирларининг камров доираси аниқ мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши лозим.

1.6. Назорат тадбирлари умумий йўналишларга асосан Жамғармалар томонидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши бўйича барча фаолиятларини камраб олиши зарур.

## **II. Молиявий назорат тадбирларини ўтказиш тартиби**

2.1. Жамғармалардан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан молиявий назорат тадбирлари йилига камида икки марта ёки вазир топшириғига кўра тўсатдан ўтказилади.

2.2. Молиявий назорат тадбирларини режалаштиришда текшириш (ўрганиш) даври, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текшириш (ўрганиш) натижалари ва вазирлик тизимидаги жамғармалар томонидан ажратилган маблағлардан фойдаланишда муайян соҳалардаги мавжуд таваккалчиликлар эътиборга олинади.

2.3. Жамғармалар томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан қайта текшириш (ўрганиш) ўтказилиши мумкин. Назорат фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда иш вақтини тежаш мақсадида ички ҳужжатларга мувофиқ турли назорат усулларида фойдаланишига йўл қўйилади.

2.4. Муддатлар ва назорат тадбирлари кўламини ҳисобга олган ҳолда молиявий назорат ходимлари томонидан текширув жараёнида амалга ошириладиган барча тадбирлар (текширув, ўрганиш, таҳлил, солиштириш, таққослаш, инвентаризация қилиш ва бошқалар) танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

2.5. Назорат тадбирларини амалга оширишда Молиявий назорат тизимининг ҳар бир ходими:

- муддатларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиладиган йўналишлар бўйича амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олиши;

- назорат текшируви (ўрганиш)дан ўтказиладиган йўналишнинг ташкилий тузилмасини, ушбу йўналиш бўйича ходимлар ваколати, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва ҳисобдорлигини, иш тақсимотини, бир ходимга тўғри келадиган иш ҳажмини ўрганиши;

- текширилаётган йўналиш бўйича расмий ва таҳлилий ҳисобот шакллари билиши;

- текширув (ўрганиш)лар ҳисобини юритиш китобидаги маълумотларни солиштирилган ҳолда, назорат текшируви учун олинган давр мобайнида бўлинмада ўтказилган барча текширишлар ва уларга оид материаллар билан танишиб чиқиши, текшириш материалларига бўлган муносабатга (ходимга нисбатан кўрилган чоралар, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва такрорланишини олдини олиш бўйича ташкил этилган ишларга) баҳо бериши шарт.

2.6. Текширув (ўрганиш) натижаси бўйича далолатнома (маълумотнома) расмийлаштирилади.

2.7. Далолатнома (маълумотнома)да, ўтказилган назорат тадбирининг мақсади ва объекти, назорат текширувлари кўлами, аниқланган муаммолар, камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклифлар кўрсатиб ўтилиши, ҳар бир муаммоли соҳа ҳолати аниқ ёритиб берилиши шарт.

2.8. Далолатнома икки нусхада тузилиб, унга текширув жараёнида тайёрланган жадвал маълумотлари, камчиликлар юзасидан ходимлардан олинган тушунтириш хатлари илова қилинади. Далолатноманинг биринчи нусхаси Молиявий назорат

бўлими бошлиғига ва иккинчи нусхаси текширув ўтказилган тизим ташкилоти раҳбарига тақдим этилади.

**2.9.** Назорат ҳисоботлари “Комплаен назорат” шўъбаси билан келишган ҳолда тўғридан-тўғри вазирга ёки унинг ўринбосарига берилади.

**2.10.** Назорат ҳисоботи – текширув (ўрганиш)нинг мақсади ва объектини, аниқланган муаммо ва камчиликлар ифодаланган умумий хулосани ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни ўз ичига олади.

**2.11.** Назорат ҳисоботида Аниқланган муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш бўйича тақдим қилинган тавсияларда муаммоларнинг қисқача изоҳи, уларни бартараф этишга доир талаб этиладиган чора-тадбирлар ва ушбу чора-тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган вазирликнинг таркибий тузилмаси ҳамда уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

**2.12.** Назорат ҳисоботида белгиланган масъуллар назорат тадбирлари натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда вазирликнинг Молиявий назорат бўлимига маълумот тақдим этишлари лозим.

**2.13.** Молиявий назорат ходимлари томонидан текшириш (ўрганиш) натижалари бўйича тақдим қилинган тавсияларнинг кўриб чиқиши мажбурий ҳисобланади.

### **III. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши бўйича ўтказиладиган текширув (ўрганиш)лар**

Молиявий назорат бўлими томонидан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича қуйидаги йўналишларда текшириш (ўрганиш)лар ўтказилади:

**3.1.** Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида (кейинги ўринларда АБКМ деб аталади) иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

**3.2.** Ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, моддий ёрдам, шунингдек, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш вақтида фуқароларга қонун ҳужжатларига мувофиқ АБКМ томонидан тўланадиган стипендиялар;

**3.3.** Ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа ижтимоий заиф фуқаролар тоифалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган иш ўринларини яратишга доир тадбирларни қисман молиялаштириш;

**3.4.** Вазирлик, унинг идорвий бўйсунувидаги ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмалар балансида турган бинолар ва иншоотларни сақлаб туриш, эксплуатация қилиш, қуриш ва таъмирлаш, уларни моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш;

**3.5.** Субсидиялар тақдим этиш, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва бошқа етказиб берувчи корхоналар, АБКМ ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш;

**3.6.** АБКМда рўйхатга олинган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик субсидиялар бериш;

3.7. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламига мансуб шахсларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни захираланган (квоталанган) энг кам сондан ортик миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга ҳамда касбга ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун иш берувчиларга бир марталик субсидиялар бериш;

3.8. АБКМда рўйхатга олинган ишсиз шахсларни, айниқса кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизларни касбга ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун касб-хунар таълими муассасаларига грантлар ажратишга йўналтирилган маблағлар ўрганилади.

#### **IV. Жамоат ишлари жамғармасидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича ўтказиладиган текширув (ўрганиш)лар**

Молиявий назорат бўлими томонидан Жамоат ишлари жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича қуйидаги йўналишларда текшириш (ўрганиш)лар ўтказилади:

4.1. Жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақига тўловлар;

4.2. Жамоат ишларида, жумладан уларни ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилиш;

4.3. Жамоат ишларини бажариш учун техника хавфсизлиги воситалари ва махсус кийим-кечак харид қилишга сарфланган маблағлар;

4.4. Меҳнат ҳақи, бино ва иншоотларни, алоқа ва ахборот компьютер технологиялари воситаларини сақлаб туриш, хўжалик ва бошқа харажатлар;

4.5. Жамоат ишларини амалга оширишни ташкил этиш масалалари бўйича ахборот материалларини, кўргазмали ахборотларни тайёрлаш, маълумотларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга йўналтирилган маблағлар.

#### **V. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича ўтказиладиган текширув (ўрганиш)лар**

Молиявий назорат бўлими томонидан Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича қуйидаги йўналишларда текшириш (ўрганиш)лар ўтказилади

5.1. Меҳнат миграциясида бўлган вақтда жароҳат олиши, бахтсиз ҳодисага учраши, оғир касалликка чалиниши туфайли тиббий ёрдам талаб этилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига меҳнат мигранти маблағлари ёки тиббий суғурта ҳисобидан кўрсатилган тиббий хизматлар қийматини тўлаш имкони бўлмаганда тиббий хизмат кўрсатишга сарфланган маблағлар;

5.2. Меҳнат миграциясида бўлган вақтда вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жасадларини, шунингдек, хорижда меҳнат фаолияти вақтида майиб бўлган ёки оғир жароҳат олган фуқароларни олиб келишга сарфланган маблағлар;

5.3. Аввал уюшган ҳолда танлаш доирасида хорижга ишга юборилган ва борган мамлакатнинг қонун ҳужжатларини бузиши натижасида чиқариб юборилган (депортация қилинган) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтариш, кейинчалик тўланган маблағларни мазкур шахслар ҳисобидан қоплаш, шунингдек,

хорижий иш берувчилар томонидан ишга жойлаштириш бўйича келишилган шароитлар билан таъминланмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайтаришга сарфланган маблағлар;

**5.4.** Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кетиш олдидан мослаштириш, касбга тайёрлаш, уларни чет тилига ўқитиш ва чет тилларни билишини имтиҳон қилиш, уларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини республика ҳудудларида ташкил этиш ва жиҳозлашга сарфланган маблағлар;

**5.5.** Хорижда Агентлик ваколатхоналари ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш учун сарфланган ҳаражатлар.

## **VI. Назорат тадбири натижалари юзасидан далолатнома (маълумотнома)лар тузиши ва расмийлаштириш тартиби**

**6.1.** Назорат тадбири натижалари юзасидан назорат объекти бўйича алоҳида ҳамда умумлаштирилган далолатнома (маълумотнома) тузилади.

**6.2.** Далолатнома (маълумотнома) назорат гуруҳи раҳбари, назорат гуруҳи аъзолари, ташкилот раҳбари ва бош (катта) ҳисобчи томонидан, зарур ҳолларда, собиқ ташкилот мансабдор ва бошқа масъул шахслари томонидан имзоланади.

**6.3.** Расмийлаштирилган назорат тадбири далолатномаси (маълумотномаси)нинг бир нусхаси назорат объекти раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахсга топширилади.

**6.4.** Ўтказилган назорат тадбири натижаларига кўра аниқланган коррупцион ҳолатлар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбасига алоҳида маълумот тақдим этилади.

**6.5.** Назорат объекти раҳбарлари далолатнома (маълумотнома)да кўрсатилган ҳолатларга эътирозлари бўлган тақдирда, “эътироз билан” ёзувини киритган ҳолда далолатномани имзолайди ва эътирозни ёзма равишда тақдим этади. Ташкилот мансабдор шахсларининг тақдим қилган ёзма эътирози назорат материалларига қўшилади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**6.6.** Назорат объекти мансабдор шахслари далолатнома (маълумотнома)ни имзолаш ёки уни қабул қилишдан бош тортган тақдирда, назорат гуруҳи раҳбари далолатнома (маълумотнома)нинг охириги варағига бу ҳақда тегишли ёзувлар киритади ҳамда назорат объекти мансабдор шахслари томонидан далолатномани имзолаш ёки қабул қилишдан бош тортганликлари тўғрисида алоҳида далолатнома расмийлаштиради.

Мазкур ҳолатларда далолатноманинг бир нусхаси назорат объектига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва назорат бўлимида сақлаш учун қолдирилган назорат ҳужжатларига далолатномани юборилганлик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

**6.7.** Назорат тадбирлари даврида аниқланган хато ва камчиликларни яшириш эҳтимоли туғилганда ёки аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан чораларни кўриш зарур бўлган ҳолатларда назорат тадбирлари тугалланмасдан туриб, аниқланган ҳолатлар бўйича, шунингдек, назорат тадбири дастурида кўрсатилган айрим саволлар натижалари юзасидан алоҳида (оралик) далолатнома (маълумотнома) тузилиши мумкин.

**6.8.** Назорат тадбири ўтказилаётган даврда хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда далолатнома (маълумотнома)да қуйидаги мажбурий маълумот ва ахборотлар баён этилиши лозим:

бузилган қончи ҳужжатлари нормалари ёки уларнинг алоҳида талаблари;  
ким томонидан ва қайси даврда (вақтда) қонунбузарлик ҳолатлари содир  
этилганлиги ва унинг мазмуни;

ҳужжатлар билан тасдиқланган мақсадсиз, қонунчиликка зид харажатлар, пул  
ва моддий бойликлар камомади миқдори, ҳуқуқбузарликларнинг бошқа оқибатлари.

**6.9.** Назорат объектнинг молиявий фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар билан  
тасдиқланмаган турли хулосалар, тахминлар ҳамда назорат объекти мансабдор  
шахслари тергов органларига берган кўрсатмаларидаги маълумотларни  
далолатномага киритилишига ҳамда назорат объекти мансабдор ва моддий-жавобгар  
шахсларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришга, уларнинг хатти-ҳаракатлари,  
мақсад ва режаларини баҳолашларига йўл қўйилмайди.

Далолатнома (маълумотнома)да назорат объекти мансабдор (моддий-жавобгар)  
шахсларига нисбатан: "давлат мулкани ўзлаштирди", "зарар келтирди (ёки етказди)",  
"сохталаштирди" ва бошқа шу каби терминлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Расмийлаштирилган далолатномада ёзилган маълумотни ўчириб ёзиш,  
ўзгартириш ва бошқа тузатишларга йўл қўйилмайди.

Далолатнома матнида қискартирилган номлар ва умумий қабул қилинган  
қискартириш (бош ҳарф)лардан зарурат бўлганда илк бор қўллашда тегишли сўз  
бирикмаси тўлиқ келтирилиб, ёнида қавс ичида бундан буён матнда  
фойдаланиладиган унинг қискартирилган номи ёки қисқартмаси кўрсатилади.

**6.10.** Далолатнома (маълумотнома)нинг ҳажми чегараланмайди, лекин  
назоратчи-тафтишчи назорат тадбири дастурида кўрсатилган саволларнинг барчасига  
мажбурий тарзда жавобларни аниқ ва тўлиқ акс эттирилиши ва имкон даражасида  
қиска ёритиши лозим.

**6.11.** Далолатнома (маълумотнома) икки қисмдан: кириш ва баён этиш  
қисмларидан ташкил топиши керак.

кириш қисмида қуйидаги маълумот ва ахборотлар кўрсатилади:

назорат тадбири ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;

назорат тадбирини ўтказиш учун асос, тадбирнинг тури, мавзуси ва уни ўтказиш  
даври ҳамда ўтказган мансабдор шахсларнинг исми-шарифи;

назорат тадбирини ўтказиш муддати, ҳақиқатда бошланган ва якунланган санаси  
(тадбир даврида узилишлар бўлган ҳолларда ушбу узилишларни даври ва сабаблари);

аввалги назорат тадбири қачон ва қайси назорат органининг мансабдор шахси  
томонидан ўтказилганлиги, аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш бўйича  
киритилган тақдимнома ёки кўрсатманинг бажарилиши юзасидан амалга оширилган  
ишлар тўғрисида маълумотлар;

банкларда очилган ҳисоб рақамлари, шунингдек, Ғазначилик органларида  
очилган барча шахсий ҳисобварақалари рўйхати ва реквизитлари;

қандай молиявий-хўжалик операциялари (танлов, ялпи) ва қайси давр бўйича  
тадбир ўтказилганлиги;

**6.12.** Назорат тадбири юзасидан тўпланган материаллар таркибида қуйидаги  
ҳужжатлар жамланиши мумкин:

назорат тадбири далолатнома (маълумотнома)си;

назорат тадбирини ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари;

оралиқ далолатномалар (тузилган бўлса), жалб қилинган мутахассисларнинг  
далолатнома ва хулосалари, пул маблағлари ва моддий бойликларни  
инвентаризацияси натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар;

молия-хўжалик операциялари бўйича расмийлаштирилган маълумотномалар,  
ҳисоб-китоблар ва жадваллар;



аниқланган ҳолатлар юзасидан назорат объекти мансабдор, моддий-жавобгар ва бошқа масъул шахсларидан олинган тушунтириш хатлари;

назорат объекти мансабдор шахсларининг аниқланган қонунбузарликлардан норозилиги ҳақидаги тақдим этган ёзма эътирози ҳамда назоратчининг ушбу эътироздаги барча важларни бартараф этган ҳолда, қонун ҳужжатларига асослангилган ёзма хулосаси;

назорат объекти раҳбари ёки моддий-жавобгар шахс далолатномани имзолаш ёки ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзишдан бош тортган тақдирда назоратчи-тафтишчи томонидан бу ҳақда тузилган далолатнома;

аниқланган қонунбузарлик ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотларни асли (зарур ҳолларда) ёки уларни тасдиқланган нусхалари, шунингдек, ушбу ҳолатларни тасдиқланганлигига асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (тегишли қисмлари) нусхалари.

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирининг  
2020 йил “11” ноябрдаги  
218 ш-сон буйруғига  
2-илова**

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг  
хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб юритилади)нинг соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишнинг назорат қилинишини таъминлаш, аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш, вазирлик ва унинг қўйи органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра ҳужжатларни расмийлаштириш ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш тартибини белгилайди.

1. Вазирлик ва унинг қўйи органлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисида»ги Низом ва Жиноят процессуал кодексининг 322 ва 326-моддаларига мувофиқ, назорат тадбирлари натижасига кўра жиноят аломатлари таркиби аниқланган тақдирда бундай материалларни, далолатнома ёки маълумотларни улар расмийлаштирилгандан 30 кундан кечиктирмасдан тегишли мансабдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориши лозим.

2. Қўйидагилар жиноят таркиби аломатларини аниқлаш мезони ҳисобланади:

била туриб, ноқонуний равишда ишдан бўшатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш ҳолатлари бўйича;

вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш;

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш;

техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилиши, ўлим ва бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатларга йўл қўйилиши;

айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишни базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ортиқ миқдорда ҳамда кўп ёки жуда кўп миқдорда содир этиш;

мансаб сохтакорлиги ва ҳужжатларни қалбакилаштириш;  
мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлган бошқа ҳоллар.

3. Вазирлик ва унинг қуйи тизимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига юбориладиган ҳужжатлар рўйхати:

а) қуйидагиларни мажбурий кўрсатган ҳолда далолатнома ёки маълумотнома:  
назорат объектининг тўлиқ номи, назорат тадбири билан қамраб олинган давр учун масъул бўлган мансабдор (масъул) шахснинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;

қонун ҳужжатларининг бузилган нормаларини аниқ кўрсатган ҳолда тафтиш, текшириш ва ўрганиш пайтида аниқланган қоидабузарлик ва камчиликлар фактлари (ўқилганда қонун ҳужжатининг қайси талаби, моддаси ва бандлари бузилганлигини аниқ тушуниш мумкин бўлиши учун камчилик ёки қоидабузарликнинг ҳар бир тури етарли даражада акс эттирилган ҳолда баён этилиши ҳамда дастлабки аниқланган қоидабузарликлар суммасини математик усулда ҳисоблаш имкони бўлиши керак);

б) масъул шахс билан тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномаларнинг тегишли тарзда тасдиқланган нусхалари (мавжуд бўлган тақдирда);

в) назорат объекти уставининг (низомининг) нусхаси;

г) қонун ҳужжатларини бузилганлигини тасдиқловчи молия-бухгалтерия, тўлов ва бошқа ҳужжатларнинг асли ёки тегишли тарзда тасдиқланган нусхалари (ҳужжатларнинг асли ёки тасдиқланган нусхаларини тақдим қилиш имконияти бўлмаганда ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари тақдим қилинади);

д) мансабдор (масъул) шахсларнинг уларга қуйилган қонунбузилишлар мазмуни бўйича назорат тадбири давомида (яқуни бўйича) тақдим этган ёзма тушунтиришларининг (эътирозларининг) асл нусхалари ёки назорат объекти мансабдор (масъул) шахсларининг аниқланган қонунбузилиш фактлари бўйича тушунтириш беришдан бош тортганлиги тўғрисидаги далолатномалар;

е) назорат объектининг мансабдор (масъул) шахси томонидан келтирилган важлари (ёзма эътирозлари), қонунбузилишлар факти бўйича тузилган мансабдор шахс (шахслар)нинг ҳулосаси;

ж) назорат тадбирлари натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома ёки маълумотномаларнинг бир нусхаси назорат объекти мансабдор шахси ушбу ҳужжатларни имзолашдан ёки қабул қилишдан бош тортган ҳолларда назорат объектига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Шунингдек, назорат тадбирида аниқланган қоидабузарлик ва камчиликлар фактларини тасдиқлаш мақсадида ҳужжатларга бошқа материаллар ҳам илова қилиниши мумкин.

4. Назорат тадбири материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ёки унинг ўринбосарлари, ҳудудий бандлик бош бошқармалари ва туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан алоқа хати билан юборилади.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари сўровига кўра назорат тадбирига таалуқли бўлган

бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим қилинади.

6. Мазкур Низом талабларига сўзсиз риоя этилишига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринбосарлари (тегишли ҳолат бўйича), Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

7. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарларига ижросини таъминлаш учун юборилади.

8. Вазирлик коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чоратadbирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

зиммасига қонун ҳужжатлари билан юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

коррупциявий жиноятларни бартараф қилиш ёки тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколатли органлар вакиллариغا кўмак беради.